Саудиядан Ўзбекистонга янги авиарейс қўйилди

19:00 / 05.08.2021 1045

Саудия Арабистони пойтахти Ар Риёддан Ўзбекистон пойтахти Тошкентга янги авиарейс йўлга қўйилди. Бу ҳақда kun.uz сайти хабар берди. 5 август куни илк рейс кутиб олинди.

Маълум бўлишича, Ар Риёд – Тошкент – Ар Риёд йўналишидаги бу рейсни йўлга қўйиш бўйича музокаралар узоқ давом этган. Мунтазам қатновлар бўйича Саудиянинг «Flynas» авиакомпанияси билан келишувга эришилган.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Саудиядан келган рейс тантанали кутиб олинди. Маълумот учун, «Flynas» Саудия Арабистонидаги йирик лоукостер ҳисобланади. Бу қўшимча рейс йўналишга бўлган юқори талабни қондириши ҳамда зиёрат туризми салоҳиятини оширишга хизмат қилиши режалаштирилган.

4
TAXI SERVICE